

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ
КИТОБИ / 187-ҳадис

187-3436- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَمْ يَتَكَلَّمْ فِي الْمَهْدِ إِلَّا ثَلَاثَةً: عِيسَى.

كَانَ فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ: جُرَيْجٌ، كَانَ يُصَلِّي، جَاءَتْهُ أُمُّهُ فَدَعَتْهُ، فَقَالَ: أُحْيِيهَا أَوْ أُصَلِّي؟
فَقَالَتْ: اللَّهُمَّ؛ لَا تَمِتْهُ حَتَّى تُرِيَهُ وَجْهَ الْمُومِسَاتِ.

كَانَ جُرَيْجٌ فِي صَوْمَعَتِهِ، فَتَعَرَّضَتْ لَهُ امْرَأَةٌ كَلَّمَتْهُ فَأَبَى، فَأَتَتْ رَاعِيًا، فَأَمَكْنَتْهُ مِنْ نَفْسِهَا، فَوَلَدَتْ
عُلَامًا، فَقَالَتْ: مِنْ جُرَيْجٍ، فَأَتَوْهُ فَكَسَرُوا صَوْمَعَتَهُ وَأَنْزَلُوهُ وَسَبُّوهُ، فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى، ثُمَّ أَتَى الْعُلَامَ
فَقَالَ: مَنْ أَبُوكَ يَا عُلَامُ؟ قَالَ: الرَّاعِي، قَالُوا: تَبْنِي صَوْمَعَتَكَ مِنْ ذَهَبٍ؟ قَالَ: لَا، إِلَّا مِنْ طِينٍ.

كَانَتْ امْرَأَةٌ تُرَضِعُ ابْنًا لَهَا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ، فَمَرَّ بِهَا رَجُلٌ رَاكِبٌ ذُو شَارَةٍ، فَقَالَتْ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْ
ابْنِي مِثْلَهُ، فَتَرَكَ تَدْيِهَا وَأَقْبَلَ عَلَى الرَّاكِبِ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ؛ لَا تَجْعَلَنِي مِثْلَهُ، ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى تَدْيِهَا يَمِصُّهُ
- قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمِصُّ إِصْبَعَهُ - ثُمَّ مَرَّ بِأَمَةٍ، فَقَالَتْ:
اللَّهُمَّ؛ لَا تَجْعَلِ ابْنِي مِثْلَ هَذِهِ، فَتَرَكَ تَدْيِهَا فَقَالَ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْنِي مِثْلَهَا.

فَقَالَتْ لَهُ: لِمَ ذَلِكَ؟ فَقَالَ: الرَّاكِبُ جَبَّارٌ مِنَ الْجَبَابِرَةِ، وَهَذِهِ الْأَمَةُ يَقُولُونَ: سَرَفْتُ، زَنْتُ، وَلَمْ تَفْعَلِ.

187- 3436. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Бешикда фақат уч киши гапирган:

Ийсо;

Бану Исроилда Журайж деган киши бор эди. У намоз ўқийётган эди, онаси келиб қолиб, уни чақирди. У унга жавоб берсаммикан ёки намоз ўқийверсаммикан, деб қолди. Шунда онаси: «Аллоҳим! Унга фоҳишаларнинг юзини кўрсатмагунингча ўлдирма», деди. Журайж ўз узлатгоҳида эди. Бир аёл унга рўбарў келиб, гап отган эди, (Журайж) кўнмади. Шунда аёл бир чўпоннинг олдига бориб, унга ўзини топширди ва бир бола туғиб, «Бу Журайждан бўлган», деди. Шунда унинг олдига келиб, узлатгоҳини бузиб ташлашди, ўзини тушириб юборишди ва ҳақоратлашди. Шунда у таҳорат олиб, намоз ўқиди. Сўнгра боланинг олдига келиб: «Отанг ким, эй бола?» деди. У: «Чўпон», деди. (Шундан кейин) одамлар: «Узлатгоҳингни олтиндан қуриб берамиз», дейишди. У: «Йўқ, фақат лойдан (қурасиз)», деди;

Бану Исроиллик бир аёл ўғлини эмизаётган эди, унинг олдидан бир кўркам отлиқ киши ўтиб қолди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлаб, отлиққа бурилди-да: «Аллоҳим, мени унга ўхшатиб қўймагин», деди. Сўнг яна (онасининг) кўкрагига бурилиб, уни сўра бошлади. – Абу Хурайра: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз бармоқларини сўраётганларини кўриб тургандекман ҳамон кўз ўнгимда», деди. – Кейин бир чўри олиб ўтилди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни мана шунга ўхшатиб қўймагин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлади-да: «Аллоҳим, мени шунга ўхшатгин», деди. Шунда аёл: «Нима учун?» деди. (Бола): «Отлиқ зўравонлардан бири эди. Мана бу чўрига эса: «Ўғрилиқ қилгансан, зино қилгансан», дейишяпти, бироқ у бундай қилмаган», деди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

